

Олмазор тумани
Давлат хизматлари маркази
томонидан 2019 йил _____ апрель
куни _____-сон рақам билан давлат
рўйхатидан ўтказилган

**«O'ZBEKISTON MEBEL VA
YOG'OCHSOZLIK SANOATI
KORXONALARI UYUSHMASI»**

таъсисчиларининг умумий
йиғилишининг
2019 йил _____
-сонли баённомаси билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«O'ZBEKISTON MEBEL VA
YOG'OCHSOZLIK SANOATI
KORXONALARI UYUSHMASI»**

УСТАВИ

(Янги таҳрири)

Тошкент шаҳри, 2019 йил

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «O'ZBEKISTON MEBEL VA YOG'OCHSOZLIK SANOATI KORXONALARI UYUSHMASI»нинг тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи, манфаатларини ифода этувчи ва химоя қилувчи, ўз аъзолигига ихтиёрий тарзда бирлаштирувчи юридик шахслар уюшмаси (бирлашмаси), нотижорат ташкилот ҳисобланади (кейинги ўринларда матнда - Уюшма деб юритилади).

1.2. Уюшма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Таъсис шартномаси ва ушбу Устав асосида юритади.

1.3. Уюшманинг тўлиқ ва қисқартирилган юридик номи:

Тулиқ номи:

- давлат тилида: «O'ZBEKISTON MEBEL VA YOG'OCHSOZLIK SANOATI KORXONALARI UYUSHMASI»;

- рус тилида: «Ассоциация Предприятий мебельной и деревообрабатывающей промышленности Узбекистана»;

- инглиз тилида: Association of furniture and woodworking enterprises of Uzbekistan.

Кисқартирилган номи:

- давлат тилида: O'MYSKU ёки "MEYOS";

- рус тилида: АПМДПУ;

- инглиз тилида: AFWEU;

1.4. Уюшманинг почта манзили: **Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100057, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5 уй.**

1.5. Уюшманинг фаолият муддати чекланмаган.

II. УЮШМАНИНГ АЪЗОЛАРИ (ТАЪСИСЧИЛАРИ)

2.1. Қуйидаги юридик шахслар Уюшманинг аъзолари (кейинги ўринларда – аъзо) ҳисобланади:

1. **«HUVAYDO-MEBEL» масъулияти чекланган жамияти.** Давлат рўйхатидан 2012 йил 22 июн N2005950-05 реестр билан утган, гувоҳнома №007425. Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, Қоракамиш-1 кўчаси, 2-а уй;

2. **«EMAN» хусусий қорхонаси.** Давлат рўйхатидан 2014 йил 3 феврал №008404-10 реестр билан утган, гувоҳнома № 006802. Манзил: Тошкент ш., Боғишамол кўчаси, 14 уй;

3. **«KARIMOVABDUG'ANISHUKUROVICH» масъулияти чекланган жамияти.** Давлат рўйхатидан 2015 йил 5 май N2003665-09 реестр билан утган, гувоҳнома N2 002173. Манзил: Тошкент ш., Бел-Тепа мавзеси, 9-уй, 15-хонадон;

4. **«INTERMEBEL» масъулияти чекланган жамияти.** Давлат рўйхатидан 2013 йил 25 ноябр N2007026-05 реестр билан утган, гувоҳнома N2 009707. Манзил: Тошкент ш. Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уй;

5. **«ABUZARMEBEL» масъулияти чекланган жамияти.** Давлат рўйхатидан 2012 йил 24 август № 003885-05 реестр билан утган, гувоҳнома №007665. Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 29-а уй.

6. **«SHAMS OBOD MEBEL» масъулияти чекланган жамияти.** Манзил: Тошкент ш., Форобий, Муҳокама ўтар кўчаси, 21а-уй, ИНН: 301424483.

7. **«AVAN SELLING GROUP» масъулияти чекланган жамияти.** Манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 85-уй, 86-хонадон, ИНН: 306194404.

8. **«WOOD AND PLAST» хусусий қорхонаси.** Тошкент ш., Юнусобод тумани

Чинобод кўчаси, 8-уй, ИНН: 3008555011.

2.2. Уюшма аъзоларининг таркиби, Уюшма аъзолигига бошқа юридик шахсларнинг кириши эвазига ўзгариши мумкин.

2.3. Уюшма ўз аъзоларининг манфаатларини химоя қилиш, фаолиятини мувофиқлаштириш ва юксалтириш, Уюшманинг уставида белгиланган мақсадларга эришиш учун биргаликдаги фаолият асосида ташкил этилган.

III. УЮШМА ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ, ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Уюшма фаолиятининг асосий мақсади ўз аъзолари манфаатларини химоя қилиш, мувофиқлаштириш ва юксалтиришдан иборат.

3.2. Уюшма фаолиятининг асосий вазифалари:

- аъзоларнинг мебель ва ёғочсозлик тармоклари соҳасидаги тадбиркорлик тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш;

- мебель ва ёғоч ишлаш маҳсулотлари бозори мустахкамланиши ва ривожланишини таъминлаш учун турли лойихалар ва дастурлар ишлаб чиқилишида иштирок қилиш;

- Уюшма аъзоларига давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, суд ва халқаро ташкилотларда уларнинг қонуний манфаатларини химоя қилишда кўмаклашиш;

- умумтармок, муаммоларини шакллантириш ва идентификация қилиш масалалари бўйича умумий стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда қонунчилик базаси ва статистик ҳисоботни такомиллаштириш бўйича тавсияларни тайёрлаш;

- ўрнатилган тартибда ташқи иқтисодий фаолият, божхона, солиқ ва бошқа соҳаларда қонунчиликни аъзолар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш;

- Уюшма аъзолари ўртасида технологик, ишлаб *чиқариш* ва кооперациялаштирилган алоқалар урнатилишига кумаклашиш;

- реклама тадбирлари, илмий ва илмий-техник конференциялар, семинарлар утказиш, ихтисослаштирилган тармок, кургазмаларида иштирок қилиш;

- Уюшма аъзолари ва ходимларининг тажриба урганишини, шу жумладан чет элда малака оширишини, касбий таълимини ташкиллаштириш, Уюшма мақсад ва вазифаларини амалга ошириш доирасида йиғилишлар, конференциялар, давра суҳбатлари утказиш;

- маҳсулотлар хавфсизлиги бўйича техник регламентлар ва нормативларни, мебель буюмлари ва ёғоч ишлаш маҳсулотлари миллий стандартларини ишлаб чиқишда иштирок қилиш;

- Уюшма аъзолари манфаатларига дахилдор масалалар бўйича табиий монополиялар билан ишлаш;

- жамоатчилик ва оммавий ахборот *воситалари билан* алоқаларни *амалга ошириш*;

- Уюшма аъзолари фаолиятига тегишли масалалар бўйича илмий-методик қуланмалар нашр қилишни ташкиллаштириш ҳамда ахборот ва тармок хусусиятига эга бошқа нашрларни чиқариш;

- маҳаллий ва хорижий ташкилотлар, корхоналар, уюшмалар ва бирлашмалар билан тармок хусусиятига эга муаммолар бўйича ҳамкорлик қилиш;

- Ўзбекистон мебель ва ёғоч ишлаш маҳсулотлари бозорини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ва чет эл инвесторларини жалб этишга кумаклашиш;

- Уюшма аъзолари кучларини инсофсиз рақобатга қарши кураш учун бирлаштириш;

- касаба уюшмалари ва бирлашмалар билан ўзаро муносабатларда Уюшма аъзоларининг қонуний манфаатларини муҳофазалаш ва ҳудудларини ҳимоя қилиш;

- меҳнат шартномаларини тайёрлаш, тўзиш ва ўзгартириш бўйича жамоавий мўзокаралар олиб бориш, ижтимоий-меҳнат даъволашувларини ҳал қилиш бўйича тегишли комиссиялар, яраштирув комиссияларини тузишда ва уларнинг фаолиятида, меҳнат арбитражида иштирок қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақикланмаган, Устав вазифаларини бажаришга йуналтирилган бошқа фаолият.

3.3. Уюшма ўз фаолиятидан фойда олинишини мақсад қилиб қўймайди, олинган фойда Уюшма аъзолари ўртасида тақсимланмайди.

3.4. Уюшманинг ҳуқуқлари.

Уюшма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

б) Уюшма фаолиятига оид турли масалаларга доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

в) Уюшма оид давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

г) ўз фаолияти туғрисида ахборот тарқатиш;

д) оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

е) Уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тўзилмаларини ташкил этиш;

ж) ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

з) ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, семинарлар ва конференциялар утказиш;

и) қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш;

к) ўз фаолиятини таъминлаш учун ваколатли органлари орқали ўз аъзолари учун мажбурий бўлган бадаллар, йиғимлар ва бошқа тўловлар жорий этиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга.

3.5. Уюшма ўз фаолиятини амалга оширишида қуйидагиларга мажбур:

а) қонун ҳужжатлари за таъсис ҳужжатларига риоя этиш;

б) ўз мол-мулки за пул маблағларидан фойдаланиши, шу жумладан молиялаштириш манбалари туғрисидаги маълумотлар билан аъзоларнинг эркин танишишини таъминлаш;

в) рўйхатдан ўтказувчи орган билан тадбирлар ўтказишни келишиб олиши ва унинг вакилига ўтказилаётган тадбирларга эркин кириш имконини бериш;

г) рўйхатдан ўтказувчи органга, давлат солиқ хизмати органларига ва давлат статистика органларига ўз фаолияти туғрисида белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиш.

3.6. Уюшма таркибий тузилмасини белгилашда, бошқарув усулларини жорий этилишида, меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни ташкил этишда, курсатиладиган хизмат баҳосини белгилашда, шунингдек хўжалик юритиш билан боғлиқ юзага келадиган масалаларни ҳал этишда мустақилдир.

3.7. Аъзолар Уюшманинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, Уюшма эса аъзоларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Уюшма аъзолари таъсис ҳужжатларида ва/ёки аъзолар Умумий йиғилиш Қарорларида кайд этилган тартибда ва миқдорда Уюшманинг мажбуриятлари бўйича субсидар жавобгардирлар.

IV. УЮШМАНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ, МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ

4.1. Уюшма давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг юридик шахс мақомини олади, ўзининг мустақил балансида ҳисобда турувчи мулкга эга бўлиб, мажбуриятлари бўйича ана шу мулк доирасида жавобгардир. Уюшманинг мол-мулки ва маблағлари Уюшмага тегишли бўлиб, улардан мустақил равишда фойдаланади.

4.1.1. Уюшманинг мол-мулки қуйидагилар ҳисобидан шакллантирилади:

- а) аъзоларнинг кириш ва доимий (йиллик) ҳамда мақсадли бошқа бадалларидан;
- б) уюшма фаолияти давомида олинган мол-мулклардан;
- в) корхона ва ташкилотларнинг ихтиёрий ажратмаларидан;
- г) беғараз ва хайрия бадалларидан;
- д) уюшма таркибида ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг ажратмаларидан;
- е) амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан.

4.1.2. Уюшманинг молиявий таъминоти Уюшма аъзоларининг аъзолик бадаллари ҳисобидан амалга оширилади.

Уюшма аъзолигига номзодлар дастлабки йиллик аъзолик бадалини аъзоликка кириш бадали билан бир вақтда амалга оширади. Иккинчи ва ундан кейинги йиллик аъзолик бадаллари ҳар бир аъзо томонидан ушбу Уставнинг 4.1.4. бандита мувофиқ амалга оширилади.

4.1.3. Аъзолик бадали – миллий валюта сўмда белгиланади, унинг миқдори, унга ўзгартириш киритиш ва тўловни амалга ошириш муддати Уюшма Кенгаши томонидан белгиланади.

4.1.4. Уюшмага аъзолик бадалининг миқдори Уюшма Кенгаши томонидан навбатдаги йил учун тақдим этилган, йилнинг 1 декабрига қадар Кенгаш аъзоларининг 2/3 (учдан икки) қисми овози билан тасдиқланадиган Уюшманинг харажатлар сметаси асосида ёки бошқа харажатларни назарда тутган ҳолда исталганча белгиланиши мумкин.

4.1.5. Аъзо, Уюшмага кириш бадалини тўлиқ тўлашга мажбур. Кириш бадалини тўлиқ амалга оширган номзодга белгиланган шаклдаги аъзолик гувоҳномаси берилади.

4.1.6. Аъзоликка кириш ва йиллик аъзолик бадаллари Уюшманинг ижро ва назорат органларининг таъминоти ҳамда унинг мазкур Уставида белгиланган фаолиятини таъминлаш мақсадида фойдаланилади ва сарфланади.

4.1.7. Мақсадли бадаллар аъзолар Умумий йиғилиши ёки Уюшма Кенгаши томонидан жорий этилади. Мақсадли бадаллар аниқ тадбир ва режаларни молиялаштириш учун ишлатилади. Мақсадли бадалларнинг миқдори, тўлаш ва ҳисоблаш тартиби, тўловни амалга ошириш муддати Уюшма Кенгаши томонидан белгиланади.

4.2. Уюшма ўз фаолиятини таъминлаш ва мақсадига эришиш йулида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Ўзбекистон Республикасининг банк муассасаларида ҳисоб рақамлари очиш ва улардан фойдаланиш;

б) ўз шахсий, мулкӣ ҳуқуқ, ва манфаатларини тааллуқлилиги бўйича тегишли судда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳақамлик судлари орқали ҳимояланиши, низо юзасидан келишув битими тузиши мумкин;

в) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет элда филиал ва ваколатхоналар ташкил этиш, ишчи гуруҳларини ва таркибий тузилмаларини ташкил этиш

г) Уставда назарда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун бошқа ҳар қандай қонунда тақиқланмаган фаолиятни амалга ошириш.

4.3. Уюшма ўзбек тилида ўз номи кўрсатилган ва логотипи туширилган муҳр, штампга, бланк ва бошқа атрибутларга эга бўлиши мумкин.

V. УЮШМА АЪЗОЛАРИ, АЪЗО БЎЛИШ ШАРТЛАРИ

5.1. Мазкур Уставни тан олувчи ва унинг талабларини бажарувчи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан фаолият юритувчи бошқа субъектлар Уюшма аъзоси бўлиши мумкин. Аъзоликка қабул қилиш мазкур Уставда белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.2. Уюшма аъзоларига Уюшма Кенгаши томонидан ўрнатилган намунадаги аъзолик гувоҳномаси берилади. Уюшмада Уюшма аъзоларининг реестри юритилади.

5.3. Уюшмага кириш тўғридан-тўғри оширилиши мумкин.

5.4. Уюшма аъзолари юридик ёки жисмоний шахс бўлиб, фаолият юритишда мустақилдирлар. Уюшма аъзолари Уюшма олдида бир хил ҳуқуқ, ва мажбуриятларга эга.

5.5. Уюшма аъзолигига қабул қилиш Уюшма Бош директори номига берилган аризага биноан Уюшма Кенгаши қарорига мувофиқ амалга оширилади.

5.6. Уюшма Кенгаши номзодни аъзоликка қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб топса, белгиланган микдорда ва муддатда аъзоликка кириш ва йиллик аъзолик бадалаи тўловларини амалга оширгач, Уюшманинг аъзоси ҳисобланади.

5.7. Уюшма аъзоси ўз хошишига кўра аъзоликдан чиқиш ҳуқуқига эга.

5.8. Уюшма аъзолигидан чиқиш унинг ёзма аризасига асосан амалга оширилади. Уюшма аъзоси томонидан Уюшма аъзолигидан чиқиш тўғрисида ариза берилганидан сунг, уч ойдан ортик, бўлмаган муддатда, Уюшма қуйидагиларга мажбур:

а) аъзоликдан чикувчи ва Уюшма ўртасида тўзилган мавжуд шартномалар бўйича тегишли ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

б) аъзоликдан чикувчининг Уюшманинг бошқа аъзолари, шунингдек Уюшма олдидаги мавжуд мажбуриятларини бажариш тартибини белгилаш;

в) аъзонинг Уюшма аъзолигидан чиқиши билан боғлиқ, бошқа масалаларни ҳал этиш.

Юқоридаги масалалар ҳал этилгач, Уюшма Кенгаши Қарори билан Уюшма аъзоси аъзоликдан чиқарилганлиги тасдиқланади.

5.9. Уюшма аъзоси Уюшма таъсис ҳужжатларида, Кенгаш ёки Умумий йиғилиш қабул қилган ички ҳужжатларда белгиланган қоидаларни бир-неча маротаба кўпол равишда бузса, аъзолик ёки йиллик даврий мажбурий бадалларни мунтазам (3 ой ёки ундан ортик кетма-кет) тўламаса ёхуд бошқа мажбуриятларини бажармаган тақдирда Кенгаш ёки Умумий йиғилиш томонидан мажбурий равишда аъзоликдан чиқарилиши мумкин.

5.10. Уюшма аъзоси ихтиёрий ёки мажбурий равишда Уюшмадан чиқарилганида, унга аъзолик даврида киритилган кириш ва аъзолик бадаллари қайтарилмайди.

5.11. Уюшма Аъзоси ихтиёрий ёки мажбурий равишда Уюшмадан чиқарилса, Уюшма таъсис ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши лозим.

5.12. Уюшма аъзосининг айби билан Уюшма томонидан учинчи шахсларга етказилган зарар Умумий йиғилиш қарорига мувофиқ зарар учун жавобгар аъзо томонидан 10 (ун) кун ичида тўлиқ копланди.

VI. УЮШМА АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Уюшма аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) амалдаги қонунчилик ва Уюшма таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Уюшманинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

б) амалдаги қонунчиликда ва Уюшманинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Уюшманинг фаолияти туғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш,

в) уюшмадан методик ва ҳуқуқий ёрдам олиш;
г) уюшманинг ахборотлар базасидан фойдаланиш, Уюшма таркибий тузилмалари томонидан ташкил этилган хизматлардан фойдаланилганида чегирма ва энгилликлардан фойдаланиш;

д) уюшма таъсис ҳужжатларига биноан Уюшманинг ижро ва назорат органларига сайлаш ва сайланиш;

е) уюшманинг ижро ва назорат органларига уюшма фаолиятига оид ва унинг ваколатидаги масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

ж) уюшма ҳамда бошқа аъзоларнинг розилигидан катъий назар амалдаги қонунчилик ва Уюшма

таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда аъзоликдан чиқиш. Уюшма аъзоси турли сабабларга кўра аъзоликдан чикканда, кириш, аъзолик ва бошқа бадаллар қайтарилмайди.

6.2. Уюшма аъзоларининг мажбуриятлари:

а) уюшма Устави ва ички ҳужжатлари қоидаларига амал қилиш;

б) бадаллар ва бошқа тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб бориш;

в) амалдаги қонунчиликка ва Уюшманинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, микдорда, усул ва муддатларда аъзолик бадаллари тўловини амалга ошириш;

г) уюшма фаолияти билан боғлиқ, сир тутилган ахборотни ошкор қилмаслик. Ошкор этилмайдиган ахборотлар сирасига барча шартномалар, техник ва бошқа Уюшма фаолиятига оид ахборотлар киради. Уюшманинг ҳар бир аъзоси ва ходими расмий равишда олинган маълумотларни, шунингдек унга маълум бўлган, Уюшманинг фаолиятига тааллуқли ахборотнинг сир сақланишини таъминлашга мажбур ва шу ахборотни тарқалишини олдини олувчи барча чора ва тадбирларни кўриши;

д) ўз фаолиятини бир-бирларини ўзаро ҳурмат қилиш, ҳалоллик таъмойилига амал қилган ҳолда олиб бориш, виждонсиз рақобат ҳолатларига йўл қўймаслик, Уюшма аъзоларига хос касб этикаси ва меъёрлари доирасида амалга ошириш.

VI. УЮШМАНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

7.1. Қуйидагилар Уюшманинг бошқарув органлари ҳисобланади:

а) уюшма аъзоларининг Умумий йиғилиши (Умумий йиғилиш);

б) уюшма Кенгаши (Кенгаш);

в) уюшманинг ижро органи – Уюшма директори.

7.2. Уюшманинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш органи Умумий йиғилиш томонидан тайинланадиган Тафтиш комиссияси ҳисобланади.

VII. УЮШМАНИ БОШҚАРИШ ТАРТИБИ

8.1. Уюшма бошқарувининг олий органи аъзоларнинг Умумий йиғилиши ҳисобланади.

8.1.1. Аъзоларнинг умумий йиғилиши аъзоларнинг 51 фоизидан кўпроғи иштирок этганида ваколатли ҳисобланади. Мажлисида ҳар бир аъзо бир овозга эга бўлади.

Умумий йиғилиш Кенгаш раиси томонидан ўтказилади. У бўлмаган тақдирда, Кенгаш аъзоларидан бири Умумий йиғилишда раислик қилади.

8.1.2. Умумий йиғилишнинг мутлоқ ваколатларига қуйидагилар киради:

а) уюшма Уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

б) уюшма фаолиятининг асосий йуналишларини, унинг мулкани шакллантириш

ва ундан фойдаланиш мезонларини белгилаш;

в) уюшма Кенгаши таркибини белгилаш ва сайлаш, шунингдек унинг ваколатларини муддатида олдин тугатиш;

г) уюшманинг ижро ва назорат органларини ташкил этиш ва уларнинг ваколатларини тугатиш;

д) уюшмани тугатиш ва қайта ташкил этиш ҳақида ҳамда тугатиш комиссияси тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, тугатиш балансини тасдиқлаш;

е) аудиторни белгилаш ва унга туланадиган ҳақ миқдорини тайинлаш.

Бундан ташқари Умумий йиғилиш, қоида тариқасида, қуйидаги ваколатларни шз продасига кўра амалга ошириши ёки қарори билан Кенгашга берилиши мумкин:

Барча бадал ва йиғимларни жорий қилиш, миқдори, тўлаш тартибини белгилаш;

Ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаган аъзоларни Уюшмадан чиқариш;

8.1.3. Уюшма аъзолари Умумий йиғилишда шахсан ўзлари ёки вакиллари орқали иштирок этадилар.

8.1.4. Навбатдаги Умумий йиғилиш заруратга қараб, Кенгаш томонидан бир йилда камида бир марта чақирилади.

8.1.5. Умумий йиғилиш қарори 1 та аъзо -1 та овоз тамоилига кўра, иштирок этувчиларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

8.1.6. Умумий йиғилиш йилида камида 1 марта, молиявий-фаолият Йили тулаганидан сўнг 2 ойдан кечиктирилмасдан чақирилади.

8.1.7. Навбатдан ташқари Умумий йиғилиш қуйидагиларнинг ташаббуслари билан чақирилиши мумкин:

а) Кенгаш ташаббуси билан;

б) уюшманинг Тафтиш комиссияси томонидан, комиссия аъзоларининг яқдиллиги билан;

в) Уюшма директори ташаббуси билан.

8.1.8. Навбатдан ташқари чақирилган Умумий йиғилиш, Уюшма аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда ваколатли хисобланади.

8.1.9. Умумий йиғилиш, Кенгашдан ташқари, Умумий йиғилиш чақириш ташаббусига эга субъектлар томонидан чақирилган бўлса, Кенгаш уни чақириш ва ўтказилишини таъминлаш чораларини кўришга мажбур.

8.1.10. Умумий йиғилиш ўтказиш вақти ва жойи, унинг кун тартиби, Умумий йиғилиш ўтказиладиган кундан 10 (ўн) кун олдин, Кенгаш раиси томонидан Уюшма аъзолари хабардор қилинади.

8.1.11. Умумий йиғилишда қуйидаги шартларда қарорлар қабул қилинади:

а) Умумий йиғилиш мутлоқ ваколатида бўлган масалалар бўйича Уюшма аъзоларининг 2/3 қисмининг овозлари билан;

б) колган масалалар бўйича Умумий йиғилишда иштирок этаётган Уюшма аъзоларининг оддий кўпчилик овозлари билан.

8.1.12. Умумий йиғилиш қарори йиғилиш қатнашчиларининг овозлари йиғилиб, натижа эълон қилиниши билан кучга киради ва Уюшманинг барча аъзолари ҳамда органлари учун мажбурий кучга эга.

8.1.13. Умумий йиғилишда баённома юритилади. Умумий йиғилишнинг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 (ун) кундан кечиктирмай 2 (икки) нусхада тўзилади. Умумий йиғилиш баённомаси мажлисда тайинланган котиб томонидан расмийлаштирилади.

8.1.14. Умумий йиғилиш баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

а) йиғилиш ўтказилган жой ва вақт, сана;

б) йиғилишда қатнашган шахслар;

в) йиғилишнинг кун тартиби;
г) овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

д) қабул қилинган қарорлар.

8.1.15. Уюшма Умумий йиғилишининг баённомаси йиғилишда иштирок этаётган Уюшма аъзолари томонидан имзоланиб, улар баённоманинг туғри расмийлаштирилиши учун масъулдирлар.

8.1.16. Умумий йиғилиш баённомаси имзоланган кунда Уюшма ижро этувчи органига ижро учун топширилади.

IX. УЮШМА КЕНГАШИ

9.1. Уюшма Кенгаши Уюшманинг жамоат бошқарув органи ҳисобланади.

9.1.1. Кенгаш 5 нафар Уюшмани таъсис этган аъзодан иборат. Кенгашни Кенгаш раиси бошқаради.

9.1.2. Кенгаш ва унинг фаолиятини ташкил этиш, Кенгаш раиси ва Аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ваколатлари Кенгаш Низомида белгиланади.

9.1.3. Кенгаш Умумий йиғилиш қарори билан қуйидаги ваколатларга эга:

9.1.4. Уюшма фаолиятини умумий назорат қилиб бориш;

Кириш, йиллик аъзолик ва бошқа ҳар қандай мажбурий бадаллар ва йиғимларни жорий этиш, уларнинг миқдори, тўлаш тартибини белгилаш;

Бадал ва тўловларни ўз вақтида тўламаган аъзоларни аниқлаб уюшмадан чиқариш бўйича Умумий йиғилишга таклифлар киритиш;

Уюшма директори фаолиятини назорат қилиб бориш

Умумий йиғилиш қарори билан бошқа ваколатлар берилиши мумкин.

X. УЮШМАНИНГ ИЖРО ОРГАНИ

10.1. Уюшманинг ижро органи директор ҳисобланади.

10.1.1. Директор Умумий йиғилиш томонидан 3 йил муддатга сайланади.

10.1.2. Директор ўз фаолияти юзасидан Кенгаш ва Умумий йиғилишга ҳисобот беради. Умумий йиғилиш ва Кенгаш қарорлари директор учун мажбурий ҳисобланади.

10.1.3. Директор Уюшманинг жорий ишига ушбу Устав, Умумий йиғилиш ва Кенгаш қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ҳамда директор билан шартномада белгиланган ваколат ва ҳуқуқлар доирасида яккабошчилик асосида раҳбарлик қилади.

Директор Кенгаш ёки Умумий йиғилишининг қўпчилик овози билан қабул қилинган қарори асосида ўз вазифасидан муддатидан олдин озод этилиши мумкин.

Директор билан Уюшма ўртасидаги меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунлари ҳамда меҳнат шартномаси билан тартибга солинади.

10.1.4. Директор Уюшма номидан ишончномасиз фаолият юритади.

Уюшма манфаатларини барча маҳаллий ва хорижий ташкилотларда, корхоналарда ва муассасаларда химоя қилади;

Уюшманинг мулкни тасарруф этиш, эгалик қилиш ва фойдаланиш бўйича ҳаракатларни амалга оширади;

шартномалар, шунингдек меҳнат шартномаларини тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисоб ва бошқа ракамларни очади,

маблағларни тасарруф этиш бўйича ҳаракатларни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Умумий йиғилиш ва Кенгаш ваколатига кирмайдиган бошқа вазифаларни амалга ошириши мумкин;

Келиб тушган ва сарфланган маблағлар туғрисида Кенгашга ойлик ва Умумий

йиғилишга йиллик ҳисобот беради;

Уюшма аъзоларининг навбатдаги ва навбатдан ташқари Умумий йиғилиши ўтказилишини ташкил этади.

мавжуд маблағлар доирасида Уюшма фаолиятини моддий-техникавий таъминлайди;

Уставда назарда тутилган фаолиятини амалга ошириш учун кўшимча моддий ва молиявий манбаларни жалб қилади;

уюшма таркибий тузилмалари штатлар жадвалини ва уларнинг лавозим йўриқномалари ҳамда мажбуриятларини тасдиқлайди;

Уюшма фаолиятига оид долзарб масалани хал этиш учун Умумий мажлис чақириш тўғрисида таклиф киритади.

10.1.5. Директор Уюшма фаолияти билан боғлиқ, юзага келган бошқа масалалар юзасидан ва мазкур устав билан Умумий йиғилиш ва Кенгаш ваколатлари доирасига кирмайдиган бошқа ҳуқуқ ва ваколатларни ўрнатилган тартибда амалга оширади.

XI. УЮШМА ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

11.1. Уюшма молиявий фаолиятининг назоратини, Умумий йиғилиш томонидан 3 йил муддатга 3 киши таркибида сайланган Тафтиш комиссияси амалга оширади.

11.2. Тафтиш комиссияси Уюшманинг бир йиллик молиявий-хўжалик фаолияти тафтишини йил якуни бўйича амалга оширади. Шунингдек, Умумий йиғилиш қарорига мувофиқ ҳамда Тафтиш комиссияси ташаббуси билан Уюшманинг исталган даврдаги молиявий-хўжалик фаолияти текширилиши мумкин.

11.3. Тафтиш комиссиясининг талаби билан директор Уюшманинг молиявий-хўжалик фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

11.4. Тафтиш комиссияси Умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга.

11.5. Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтда Кенгаш аъзоси бўлиши ёки Уюшма бошқарув органларида маълум бир лавозимни эгаллаши мумкин эмас.

11.6. Уюшманинг молиявий ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш аудиторлик фирмаси томонидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ўзаро тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

11.7. Аудиторлик фирмаси конкурс асосида танланиб, унга тўланадиган тўлов миқдори Аъзоларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

11.8. Уюшманинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгилловчи йиллик ҳисоботлар ва баланслар бўйича ўтказилган тафтиш ва текширув натижаси юзасидан Тафтиш комиссияси ва Аудиторлик фирмаси (Аудитор) хулоса расмийлаштирадилар, хулосада қуйидагилар қайд этилиши лозим:

а) уюшманинг ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларида қайд этилган маълумотларни асосланганлигини тасдиқлаш;

б) бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тақдим этилишида Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатлари талаблари бузилганлик, шунингдек молиявий-хўжалик фаолияти юритилишида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига йўл қўйилганлиги ҳолатлари аниқланса, улар тўғрисида маълумотлар.

11.9. Текширув якуни бўйича тайёрланган хулоса Кенгаш томонидан кўриб чиқилиб, Умумий йиғилишга маълум қилинади.

XII. УЮШМА ХОДИМЛАРИНИНГ МЕХНАТИ ВА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТИ

Мехнат ҳақи тўлови, мехнат ва дам олиш тартиби, Уюшма ходимларини ижтимоий таъминлаш, ўқитиш ҳамда суғурта қилиш, ходимларни ёллаш Ўзбекистон

Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ томонлар ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси билан тартибга солинади.

XIII. УЮШМАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

13.1. Уюшмани қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Уставига мувофиқ амалга оширилади.

13.2. Уюшмани тугатиш Аъзоларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади.

13.3. Уюшмани давлат рўйхатидан ўтказган орган томонидан Уюшмаларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзув киритилган вақтдан бошлаб, Уюшмани тугатиш якунланган, Уюшма эса ўз фаолиятини тугатган деб, ҳисобланади.

XIV. УЮШМА УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ

14.1. Уюшма Уставига ўзгартириш, Умумий йиғилиш қарори билан киритилади. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Умумий йиғилиш қарори, йиғилишда аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этганида ва жами аъзоларнинг 2/3 қисмининг овози билан қабул қилинади.

14.2. Уюшма Уставига киритиладиган ўзгартириш қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб қонуний кучга киради.

XV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

15.1. Ушбу Уставда ўз ифодасини топмаган Уюшма фаолиятига оид масалалар Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда Уюшма Аъзоларининг умумий йиғилиши қарорлари билан тартибга солинади.

15.2. Уюшма ушбу Уставдан ташқари, Уюшма бошқарув органларининг фаолиятини, бадаллар ва бошқа тўловларни миқдори ва тўлаш тартибини белгиловчи, шунингдек улар томонидан Уюшма ва унинг таркибий тузилмалари фаолиятини назорат қилинишини белгиловчи ички меъёрий ҳужжатларига эга бўлиши мумкин. Ички меъёрий ҳужжатлар мазкур Устав талабларига ва қонун ҳужжатларига зид бўлиши мумкин эмас.

АЪЗОЛАР (таъсисчилар):

Аъзо (таъсисчи) номи	Таъсисчи номидан вакил	Имзо
«HUVAYDO-MEBEL» МЧЖ	Директор – Убайдуллаев Х.Х.	
«EMAN» ХК	Директор – Нуриддинов А.Р.	
«KARIMOVABDUG'ANISHUKUROVICH» МЧЖ	Директор – Каримов А.Ш.	
«INTERMEBEL» МЧЖ	Директор – Анваров М.А.	
«ABUZARMEBEL» МЧЖ	Директор – Касимов С.А.	
«SHAMS OBOD MEBEL» МЧЖ	Директор – Ахмедов И.Х.	
«AVAN SELLING GROUP» МЧЖ	Директор – Сатвалдиев Р.И.	
«WOOD AND PLAST» ХК	Директор – Махкамов У.А.	